

Айрим Хорижий Давлатлар Жиноят Қонунчилигининг Ижтимоий Хавфли Қилмиш Содир Этган Шахсни Ушлаш Вақтида Зарар Етказишга Оид Нормалари Таҳлили Ва Уларни Қўллаш Масалалари

*Бозоров Сардор Шухрат Ўғли*¹

Жиноят содир қилган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш оқибатида унинг ўлимига сабаб бўлинса, бу ҳолат қонуний эканлиги ҳақида жиноят ҳуқуқида ҳалигача ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида унинг ўлимига сабаб бўлиш ушлашнинг ўзига хос мақсадига, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга етказишга зид ҳисобланади.

Жиноятчини ушлаб бериш ҳуқуқи жиноятчиликка қарши курашишнинг фойдали воситалардан биридир. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва мансабидан қатъи назар ҳар қандай жисмоний шахс эгадир. Айни пайтда, алоҳида бир гуруҳ шахсларга, яъни қонун томонидан махсус вакил этиб тайинланган шахсларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш уларнинг касб ёки хизмат бурчлари ҳисобланиб, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан чекинишлари мумкин эмас. Бу гуруҳдаги шахсларга милиция, МХХ, прокуратура ва бошқа орган хизматчилари, яъни хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашга масъул шахслар киради. Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар. Агар ҳар бир фуқаро жиноят содир қилган шахсларни ушлаб бериш ҳуқуқидан фаол фойдалансалар, ҳуқуққа хилоф қилмишларга кўз юмиб турмасалар, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошади.

Профессор А.А.Игнатиевнинг ёзишича, ҳибсда ўғрилиқ қилган шахсни майиб қилиб қўйиш ёки уни ҳаётидан маҳрум қилиш мумкин эмас, чунки бу ўғрилиқ жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасига аниқ мос келмайди. Яъни ўғрилиқ қилиш ўзганинг мол-мулкни унга бидирмасдан, яширин равишда тасарруф этиш ҳуқуқини эгаллаб олиш деганидир. Бундай ҳуқуқни эса қайтариб олиш мумкин, аммо шахснинг ҳаётини қайтариб олиб бўлмайди².

Бирок, фуқароларнинг ҳаётига хавф туғдирадиган ҳолатлар мавжуд бўлганда, ўғрилиқ содир этган шахсга нисбатан бундай чораларни қўллаш жоиз ва асослидир. Яъни шунда ҳам шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказмасдан.

Профессор С.В.Бородиннинг фикрича, жиноятчини ўлимига олиб келиши мумкин бўлган ушлашнинг бундай воситаларидан фойдаланишдан аввал ушлаш ваколатига эга шахс унинг бундан бошқа йўли йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилганидан кейин амалга оширилиши керак³.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 38-моддаси жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлиги шартларини ўз ичига олади. Шунга кўра,

1. зарар фақат жиноят содир этган шахсга етказилиши мумкин;

¹ Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

² X.Ochilov. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas'ul muharrir: yu.f.f.d (PhD)– T.: Adolat nashriyoti, 2020. – B. – 72.

³ Бородин С.В. Преступления против жизни по новому законодательству: ответственность, квалификация и наказание. М.: Юрист, 2009. С. - 130.



2. жиноятчига зарар етказишнинг қонунийлиги уни ушлаш мақсади (ҳокимиятга етказиш ва янги жиноятлар содир этиш имкониятини бостириш) билан олдиндан белгиланади;
3. зарар етказиш — бундай шахсни бошқа воситалар билан ушлаб туришнинг иложи бўлмаганда мажбурий чора ҳисобланади;
4. зарар этказилган тақдирда, бунинг учун зарур бўлган чора-тадбирлардан ошиб кетмаслик керак⁴.

В.Н.Кудрявцев: «Жиноят таркибининг янада тўғри таърифи, бу жиноят қонунига кўра, жиноий ва жиноий жавобгарликни белгилайдиган ижтимоий хавфли қилмиш белгилари тўплами эканлигини таъкидлайди» деб ҳисоблайди⁵.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 8-моддасига кўра, жиноят деб кვაификацияланиши учун шахсининг қилмишида жиноятнинг мазкур Россия Федерацияси Жиноят кодексида белгиланган барча таркиби ва белгилари бўлиши керак. Бундан маълумки, ушлаш чоғида зарар етказиш ҳаракатларида ҳам жиноятнинг таркиби бор, аммо айблилик ва ижтимоий хавфлилик мавжуд эмас. Шу сабабли Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам ушлаш чоғида зарар етказиш ўз чегарасидан ошмаган бўлса жиноят саналмайди.

Россия Федерациясининг 2011 йил 7 февралдаги «Полиция тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасининг 3-қисмида «Зарурий мудофаа, охириги зарурат ёки жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида ички ишлар органи ходимининг ёнида зарур ўқотар қурол ёки махсус воситалар бўлмаганда, қўл остидаги барча воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Федерал қонун билан белгиланган асослар ва тартибда полициянинг рўйхатида турмайдиган бошқа қуролдан фойдаланиши мумкин», деб белгиланган. Бу каби қоидалар Литва давлати «Полиция тўғрисида»ги Қонунида ҳам белгиланган. Мазкур қоидалар мамлакатимиз қонунчилигида белгиланмаган.

Ушлаш амалиётида шахс ҳеч қандай қурол ёки бошқа воситалардан фойдаланмаган бўлсада, аммо шахс ички ишлар органи ходимига ижтимоий хавфли тажовуз қилган. Масалан, 2013 йил 26 ноябрь куни хавфли жиноятчи билан юз берган олишувда А. исмли пост-патруль ходими ҳалок бўлган. Ушланаётган шахс тажовуз қилиш хавфини келтириб чиқарганида «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси биринчи бандига асосан «ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун», шу жумладан қурашнинг жанг усуллари қўллаш ҳуқуқига эга.

Агарда ходим вазиятга қараб жисмоний куч ишлатиш билан зарурий мудофаа имкониятига эга бўлмаса, сўнгги чораси сифатида мазкур қонуннинг 24-моддасига асосан «фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда» ходим *ўқотар қурол ёки резина таёқ ёки электрошок* қурилмаларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Хорижий давлатлар қонунчилигида жисмоний куч ишлатиш зарурат эканлиги белгиланган⁶.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мазкур ҳуқуқий чорани белгилаб берилишига турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Германия Жиноят қонунчилигида «қонунга хилоф зўрлик ишлатилганида қамоқдан ёки бошқа ҳолатларда қочаётган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиб ушлаш ҳуқуқий деб топилади»⁷ дея белгиланган.

⁴ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: Издание 2-е измененное и дополненное. /Под общей ред. проф. Ю.И. Скуратова и В. М. Лебедева. – М., 1999. – С. – 543.

⁵ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1999. – С. - 59.

⁶ Уголовный кодекс Республики Литва // <http://www.base.spinform.ru/>

⁷ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии // <https://www.uni-potsdam.de/>



Голландия жиноят қонунида «Шахс ҳуқуқбузарлик содир этганида, уни ушлаш учун қонуний талабларни бажариш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди» деб белгилаб берилган⁸.

Франция жиноят қонунчилигида эса ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга бағишланган норма «қонуний ҳимоя» деб номланган⁹.

Корея Республикаси жиноят кодекси «Зарурат» деб номланган модда бўлиб, унда «хавфларни бартараф қилиш ва бошқа зарурат бўлган ҳолатларда зарар етказиб ушлаш ҳуқуқий»¹⁰ эканлиги белгилаб берилган.

Испания Жиноят кодексига кўра, «қасб ёки мансаб мажбуриятлари» мавжуд бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш хатти-ҳаракатини ҳам умумий тартибга солиши назарда тутилган¹¹.

Швеция Жиноят кодексига «жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий асослари» нормаси бор. Унда ушлаш вақтида зарар етказиш жиноий жавобгарликдан озод қилувчи ҳолат сифатида назарда тутилган¹².

Америка Қўшма Штатларида ушлаш чоғида жиноят содир этган шахсга зарар етказиш ҳолатлари ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари бор. Бу хусусиятлар АҚШ давлатининг ҳуқуқий меёрлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиёти ва суд қарорларига боғлиқ. Қуйида ушбу хусусиятларнинг айримлари келтирилган:

Америка Қўшма Штатлар Конституциясининг 4-моддасига кўра, шахслар (жисмоний) қонунга зид қидирув эълон қилиниш ва қўлга олинишдан ҳимоя қилинади. Ушлаш учун асос бўлувчи «қонуний асосланган шубҳа» бўлиши керак.

Ушбу Конституциянинг 5-моддасига биноан, шахслар ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмайди ва қонуний процессуал ҳаракатлар асосида ҳибсга олиниши керак¹³.

Миранда в. Аризона (1966) суд иши натижасида полиция томонидан ушланган шахсларга ўз ҳуқуқлари (Миранда ҳуқуқлари) тушунтирилиши керак, масалан, жим туриш ҳуқуқи, адвокат билан маслаҳатлашиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар.

Полиция ходимлари ушлаш вақтида фақат зарур бўлган даражада куч ишлатишлари керак. Ҳаддан ташқари ёки ноўрин куч ишлатиш Конституцияга зид ҳисобланади ва бу ҳолатлар учун қонуний жавобгарликлар мавжуд.

Агар шахс ушлаш вақтида жароҳатланиб қолса, полиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари дарҳол тиббий ёрдам кўрсатиши керак.

Зарар етказиш ҳолатларида даъво қилиш: Агар шахс ушлаш вақтида зарар кўрган бўлса, у полиция ёки тегишли ҳукумат органлари устидан даъво қилиш ҳуқуқига эга. Бу даъволар фуқаролик ҳуқуқи асосида, масалан, конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги учун кўтарилиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари кўпинча «қуалифиед иммунитет» ҳимоясига эга бўладилар, яъни улар фақат аниқ қонуний меёрларни бузган ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкин¹⁴.

⁸ Голландия Жиноят кодекси. <https://antislaverylaw.ac.uk/wp-content/uploads/2019/08/Netherlands-Criminal-Code.pdf>

⁹ Code penal (France) (Франция Жиноят кодекси, француз тилида) <http://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=Legitext0000060707>.

¹⁰ Уголовный кодекс Республики Корея /Науч. Редактирование и предисловие д-ри. юрид. наук, проф. А.И. Коробеева. – СПб., 2013. – С. — 25 – 26.

¹¹ Уголовный кодекс Испании. <http://www.pravo.by/>

¹² Criminal Code of the Swiss Confederation (Швейцария Жиноят кодекси, инглиз тилида) <http://www.legislationline.org/>

¹³ U.S. Code: Title 18 — Crimes and Criminal procedure (Америка Қўшма Штатлари Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, инглиз тилида) // <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18>.



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари зарурий куч ишлатиш протоколлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий ўқув курсларидан ўтишлари керак.

Сўнгги йилларда кўплаб полиция бўлимлари ходимларга (бодй-сэмара) тана камераларини ўрнатила бошланган. Бу камералар полиция ходимларининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва шикоятларни текшириш учун муҳим аҳамиятга эга. Яъни ушлаш жараёни тўлиқ видеоёзувга муҳрланиб қолади. Низо юзага келганда эса шу камераларга ёзилган видео-тасвирлар ҳолис далил сифатида муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун зарур бўлган чораларни ошириб юбориш деб қўлланган чораларни ушлаш ҳолатига, ҳамда шахс ва у содир этган жиноятнинг хавфлилигига очиқ номутаносиблиги айтилади. Бунда, очиқ номутаносиблик тушунчаси тавсифий маънога эга бўлиб, ҳар қайси ҳолатда у алоҳида аниқланади. Айни ушлаш чоралари баъзи ҳолларда қонуний бўлса, бошқа ҳолларда чораларни ошириб юбориш сифатида баҳоланади. Суд ва тергов органлари ушлаш чораларидан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган қилмишни квалификация қилишда унинг субъектив томонига эътибор қаратишлари шарт. Ушлаш чораларидан четга чиқишда эҳтиётсизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказиш ҳамда тажовуз қилаётган шахсни эҳтиётсизлик орқасида ўлдирганлиги учун мудофааланувчи жавобгарликка тортилмайди.

Қайд этилганларга кўра, Америка Қўшма Штатларида ушлаш вақтида зарар етказиш ўзига хос хусусиятлари кўплаб ҳуқуқий ва амалий омилларга боғлиқ. Ушлаш жараёни конституциявий меёрлар, суд қарорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ички қоидаларига асосланади. Бу тизим шахсларни ноқонуний ушлаш ва зарар етказишдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

АҚШда ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуқий асослар, оқилона куч ишлатиш стандартлари, Миранда ҳуқуқлари, суд амалиёти ва полиция ходимларининг амалиёти каби кўплаб омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар фуқароларни ноқонуний ушлаш ва зарар етказишдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ҳуқуқ ва адолат тамойилларини сақлашга қаратилган¹⁴.

Россия Федерацияси қонунчилиги эса худди Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги каби шахсни ушлаш жараёнида унга зарар етказиш унинг аниқ мақсадига қаратилган бўлса, яъни ҳокимият органларига топширишни кўзлаган бўлса, зарар етказишнинг белгиланган чегарасидан ошиб кетмаган бўлса қонуний ҳисобланади.

Умумий қилиб қарайдиган бўлсак, турли давлатнинг турли қонунчилиги бўлса ҳам жиноят содир қилган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш жиноий жавобгарликдан озод қилиши белгиланган. Айтишимиз мумкинки, Европа мамлакатларининг жиноят қонунчилигида номлари турлича бўлиши мумкин, аммо мазмун бир хил. Ахир, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси жиноят содир қилган шахсни ушлаш, уни одил судловга топшириш, жамиятда инсонларнинг ўзаро тинч-тотувликда, ахилликда бирга ҳаёт кечиришларини таъминлаш, жиноятчиликни кенг тарқалишига қаршилик кўрсатиш.

Шунинг учун ҳам жиноят содир қилган шахс ушланиши, зарурат туғилган пайтдагина, бошқа йўли қолмаган ҳолатлардагина унга ушлаш вақтида зарар етказилади. Шунда ҳам жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилиги ва бошқа бир қанча объектив ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш керак.

¹⁴ Legal Aid Queensland – Criminal Law Duty Lawyer Handbook. 6th edition 2014. Updated in August & December 2014 (Chapter 11—Youth Justice). <https://www.legalaid.qld.gov.au/For-lawyers/Criminal-Law-Duty-Lawyer-Handbook>

¹⁵ Legal Aid Queensland – Criminal Law Duty Lawyer Handbook. 6th edition 2014. Updated in August & December 2014 (Chapter 11—Youth Justice). <https://www.legalaid.qld.gov.au/For-lawyers/Criminal-Law-Duty-Lawyer-Handbook>.

